

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйқулари



19:28 / 01.12.2017 3519

2696. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У киши бизга Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Каъба масжидидан исро қилдирилганлари ҳақида гапириб:

«У зотга ваҳий қилинишидан олдин уч нафар келди. У зот Масжидул Ҳаромда ухлаб ётар эдилар. Бас, уларнинг аввалгиси:

«У буларнинг қайси бири?» деди. Ўрталари:

«У буларнинг энг яхшисидир», деди. Охиргилари:

«Буларнинг энг яхшисини олингиз», деди.

(Воқеа) шундай бўлган эди. Кейин у зот уларни то бошқа бир кечада, қалблари кўрадиган бўлгунларича кўрмадилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўзлари ухлар эди. Қалблари ухламас эди. Шунингдек, барча набийларнинг кўзлари ухлайди-ю, қалблари ухламайди. Бас, Жибрийл у зотни олиб, сўнгра бирга осмонга чиқиб кетди», деди».

Шарҳ: Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар бўлишларидан олдин Масжидул Ҳаромда амакилари Ҳамза ибн Абдулмуттолиб ва бошқа бир амакиларининг ўғли Жаъфар ибн Абу Толиб билан ухлаб ётар эдилар. Шунда уч нафар фаришта – Жибрийл, Микоил ва Исрофил алайҳиссаломлар келдилар. Шунда Жибрийл алайҳиссалом:

«У буларнинг қайси бири?» деди».

Яъни «Муҳаммад бу ухлаб ётганларнинг қайси бири?» Бу саволга Микоил алайҳиссалом:

«У буларнинг энг яхшисидир», деб жавоб бердилар.

Жавобни эшитгандан кейин Исрофил алайҳиссалом:

«Буларнинг энг яхшисини олингиз», деди».

Бундан Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар бўлишларидан аввал ухлаб ётганларида ҳузурларига фаришталар келганини билмаганлари тушунилади.

Аммо у зотга ваҳий тушганидан кейин исро кечасида Жибрийл алайҳиссалом келганларини билганлар. Чунки

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўзлари ухлар эди. Қалблари ухламас эди. Шунингдек, барча пайғамбарларнинг кўзлари ухлайди-ю, қалблари ухламайди».

Улар ўзларига ҳар лаҳзада келиб қолиши мумкин бўлган ваҳийни қабул қилиб олишга доим тайёр туришлари керак.

2697. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Витр ўқишдан олдин ухлайсизми?» дедим.

«Кўзим ухлайди. Қалбим эса ухламайди», дедилар».

Иккисини Икки шайх ривоят қилганлар. Аллоҳ олий ва билгувчироқдир.